Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 19-fevral, seshanba № 21 (3214)

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашида яққол намоён бўлади.

Ислом КАРИМОВ

## Ижтимоий шериклик имкониятлар кўламини кенгайтирмоқда

***Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳоли даромадлари муттасил ортиб бораётир. Бунда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этган касаба уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011— 2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув амалга оширилаётган ибратли ишларда муҳим омил бўлмоқда.***

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида мазкур Бош келишувнинг 2012 йилдаги ижроси бўйича уч томонлама комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия аъзолари томонидан мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда Республика Ҳукумати, давлат органлари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар олиб борилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, мамлакат иқтисодиёти, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилиб, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланди. Инвестициялар ҳажми иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши ва унинг тузилмасини диверсификациялашнинг энг муҳим манбаига айланди. Инвестицияларнинг салмоқли қисми иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилди.

Бош келишувнинг иккинчи боби, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадларни ошириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди этиб биринчи разряд белгилангани, нулинчи разряд бекор қилингани муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнат жамоаларида тегишли тушунтиришлар берилиб, жамоа шартномалари ва келишувларида акс эттирилди. Тармоқлараро, тармоқ, ҳудудий ва маҳаллий миқёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароитлар яратиш орқали норматив базани ривожлантириш борасида тегишли тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари қатор вазирлик, идора ва компаниялар билан биргаликда тармоқ тариф-малака маълумотномаларини ишлаб чиқишда иштирок этдилар.

Ижтимоий шериклар томонидан меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ишлари ҳам ҳамкорликда олиб борилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш самараси ўлароқ 485 минг киши, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг 600 киши иш билан таъминланди.

Ўтган йил давомида касаба уюшмалари томонидан 3 минг 143 та корхона ва ташкилотда 27 минг 432 та янги иш ўринлари ҳақиқатда яратилгани ўрганилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилгани эътиборлидир. Бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш мақсадида тегишли касаба уюшма ташкилотлари, алоқадор вазирлик ва идоралар ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларига тегишли тавсиялар берилди.

Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш масаласи ижобий ҳал этилиб, Тошкент Давлат техника университети қошида хўжалик ҳисобида фаолият олиб борувчи курс ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни энг яхши ташкил этган корхоналар, жамоат назоратини намунали йўлга қўйган касаба уюшма ташкилотлари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тадбирлари бугун ўз натижасини бермоқда.

Бош келишувнинг «Ижтимоий кафолотлар, ижтимоий ҳимоя» бобига биноан ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш, кам таъминланган ва болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари ижтимоий шериклар томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида давлат, иш берувчилар, касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, жамоа шартномаси ва келишувлари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилалар вакиллари, янги оила қурган ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида 39 миллиард сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди. Кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди. 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар фарзандлари бўлган 9 минг 831 нафар ёш оналар моддий қўллаб-қувватланди. 4255 нафар уруш фахрийсига, 21 минг 611 нафар меҳнат фахрийсига ижтимоий кўмак берилди.

Шунингдек, маънавий-маърифий ва жисмоний тарбияни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишларидаги ишлар изчил олиб борилди. Хусусан, 1257 нафар ижтимоий ҳимояталаб инсон ҳамда фахрийлар 582 миллион сўмликдан зиёд бепул йўлланма билан таъминланди. Иш берувчилар маблағлари ҳисобидан ходимлар учун санаторийларга 7605 та, санаторий-профилакторийларга 1454 та, дам олиш уйларига 8555 та йўлланма берилди. Ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишидаги ишларнинг сифати ва самарадорлиги оширилди. Натижада, ўтган йилги ёз мавсуми давомида 961 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 271 минг 300 нафарга яқин бола имтиёзли йўлланмалар асосида дам олдирилди. Шу жумладан, Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 2176 нафар тарбияланувчиси, Оролбўйи минтақасидан 5800 нафар ўғил-қиз энг сўлим ва баҳаво болалар соғломлаштириш оромгоҳларида саломатлигини мустаҳкамлади.

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш натижасида Республика бўйича 86 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 4 та ҳудудий ҳамда 10 та минтақавий келишувлар амал қилмоқда. Ўтган йили нодавлат секторидаги 2507 та корхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшмалари тузилишига эришилганлиги ҳам аҳамиятлидир. Бунинг натижасида 51 минг 226 нафар ходим ижтимоий ҳимояга олинди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари**







Пахта толасини қайта ишлаб, йилига 4 минг 800 тонна ипкалава ва 2 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга «Oqsaroy textile» масъулияти чекланган жамияти — Қашқадарё вилояти енгил саноатининг йирик субъектларидан бири.

## МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

Мазкур корхонада 600 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Цехларда ўрнатилган энг серунум ускуналарни билим ва маҳоратда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда кўрсатаётган коллеж битирувчилари бошқармоқда.

2012 йили корхона экспорт қилган маҳсулот 14,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда бу рақам янада ошади.

**Суратларда: сифат назоратчиси Мунира Боқиева; лаборантлар (чапдан) Зулфия Қобилова ва Дурдона Носирова; корхона ишчиси Феруза Ёқубова.**

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

Тадбир

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

***Бухородаги ҳарбий қисмда маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзоси Т. Нарбаева, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсанов сўзга чиқиб, мамлакатимиз Қуролли Кучларини изчил ислоҳ этишга қаратилган қатор қонунлар бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлаб ўтишди.***

Миллий армиямиз сафида жисмонан соғлом, дунёқараши кенг ёшлар хизмат қилаяпти.Фахр-ифтихор билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Жаҳонгир Исмоилов она Ватанни улуғловчи шеърларидан намуналар ўқиб берди ва қисмга китоблар тўпламини туҳфа этди. Сўзга чиққанлар осмонимиз мусаффолиги, юртимиз тинчлигини қўриқлашдек шарафли бурчини ўтаётган ҳарбийларнинг келгуси ишларида муваффақият тилашди. Шунингдек, ҳарбий қисмга касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган компютер жамланмаси топширилди.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хушовоз хонандалари, «Бухорча» ашула ва рақс дастаси томонидан намойиш этилган концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз**

Диққат, танлов!

## «ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ»

«Ishonch» ва«Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йили муносабати билан республика танловини эълон қилади

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар, тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик соҳасидаги эзгу ишларда касаба уюшмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Республика касаба уюшмаларининг юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришдаги иштироки, инсон омилига, айниқса, уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашни кўзлаб яратилаётган имтиёз ва қулайликлар ҳақида атрофлича фикр юритиш, ибратга лойиқ ишларни тарғиб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида қадриятларимиз, анъана, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшлар қалби ва онгида она юртга муҳаббат туйғуларини янада жўш урдириш, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятини кенг ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу мақсадда «Ishonch» ва«Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳамда Обод турмуш йили муносабати билан «Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловини эълон қилади. Барча ижодкорларни танловда фаол иштирок этишга чақирамиз.

**Танлов шартлари**

Танловга тақдим этиладиган материалларда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ибратли ишлар, шунингдек, касаба уюшмаларининг инсон манфаатлари йўлида олиб бораётган фаолият йўналишлари, хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарорлари, Ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, касаба уюшмаларида бугунги кунда кечаётган фаолиятга янгича ёндашув, инсон омилига, айниқса, уюшма аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун яратилаётган имтиёз ва қулайликлар, меҳнат муҳофазаси, бандлик, шунингдек, ишчи-хизматчиларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини, талаба-ёшларни соғломлаштириш йўналишида амалга ошираётган ишлари, Давлат дастурларига мувофиқ меҳнат аҳли, айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, кўмакталаб инсонларга, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамлари каби масалалар акс этиши лозим.

Шунингдек, Президент Фармонлари, ҳукумат ва Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари олдида турган галдаги вазифалар, бошланғич ташкилотлар ташаббускорлигини ошириш, касаба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаоллигини янада юксалтириш, уюшмага аъзо бўлишга ундовчи омилларни кучайтириш каби долзарб масалалар ёритилиши зарур.

Танлов икки йўналишда: профессионал журналистлар ҳамда касаба уюшма ташкилотларида бевосита фаолият кўрсатиб, қалам тебратаётган касаба уюшма фаоллари ўртасида ўтказилади.

**Танловни ўтказиш қоидалари**

Танловга 2013 йилнинг 1 мартидан 1 декабригача чоп этилган ижодий ишлар — мақола, очерк, лавҳа ва фоторепортажлар қабул қилинади.

Материаллар босма ҳолда икки қатор оралиғида, 4-8 саҳифадан иборат бўлгани ҳолда икки нусхада тақдим этилади.

Юборилган ижодий ишлар «Ободлик кўнгилдан бошланади» танловига деб кўрсатилиши шарт.

Ижодий ишлар муаллифи тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилиниши лозим:

- фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- манзили, телефони;
- паспортга оид маълумотлари.

**Материаллар қуйидаги манзилга жўнатилади:**

Тошкент шаҳри — 100165, Бухоро кўчаси, 24-уй, «Ishonch» ва«Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти.

**Ғолибларни мукофотлаш**

Танлов ғолиблари иккита йўналишда, учта ўрин бўйича аниқланади.

Танлов натижалари «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади.

Мукофотлар 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни тантанали равишда топширилади.

Йиғилиш

## САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

***Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2012 йил якунлари ва 2013 йилнинг устувор йўналишлари атрофлича муҳокама этилди. Мавзу юзасидан Марказий кенгаш раиси Б.Маҳмадалиев маърузаси тингланди.***

Мустаҳкам оила йилида кўпгина ишлар амалга оширилгани қайд этилиб, жумладан, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали 7450 нафардан зиёд ходимлар ва кам таъминланган оилаларга 395 млн. 200 минг сўмдан зиёд ижтимоий ёрдам кўрсатилгани айтилди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

***Кейинги икки йилда касаба уюшма ташкилотлари фаоллиги ҳар қачонгидан ортиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Фикримиз исботини Когон «Олтин тола» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Куни кеча мазкур бошланғич ташкилот конференцияси бўлиб ўтди. Унда 2011-2013 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2012 йилдаги ижроси кўриб чиқилди.***

## ҒАМХЎРЛИК БОР ЭКАН...

— Жамоамизда 361 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Уларнинг 89 нафарини хотин-қизлар ташкил этса, 154 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ходимларнинг жамоа шартномасида қайд этилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга хавфсиз ҳамда қулай меҳнат шароитини яратиб бериш туфайли корхонада сезиларли даражада ижобий ўзгаришларга эришилмоқда, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Афзал Каримов. — Касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қарорларини бажариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек, ташкилотимизнинг ижтимоий шериклик доирасида Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари ва бошқа қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлиги натижасида фаолият самарадорлиги ортиб бормоқда. Конференцияда таъкидланганидек, ишчи-ходимлар ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшма қўмитаси тавсияси билан 18 млн. 460 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Пенсияга чиқаётган ходимларга жамоа шартномасига кўра 3 ойлик иш ҳақи миқдорида пул мукофоти ва совғалар берилаяпти. Турли байрамлар муносабати билан жамоа аъзоларига 22,8 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Касаба уюшма аъзолари ҳамда туман ҳудудидаги кам таъминланган оилалар фарзандларига 15,2 млн. сўмлик совғалар берилди.

***(Давоми 2-саҳифада).***

Ishonch
2013-yil 19-fevral № 21 (3214)

Имтиёз ва кафолат







# АВИАХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Мустақиллик йилларида республикамиз фуқаро авиациясида халқаро андозаларга мос авиаташув ва хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси ривожланди, авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга ошириш тизими яратилди. Шунга монанд равишда тармоқ ишчи-ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.***

Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзгидромет» тармоқлари, «Ўздававианазорат», Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, 5-сонли Академик лицей, «Ан-Рад Аэро» МЧЖ ва тармоқдаги бир қатор корхоналар касаба уюшма ташкилотларини бирлаштиради. Таркибга кирган 26 та бошланғич касаба уюшма қўмиталари 22 мингга яқин аъзони ўз ҳимоясига олган.

— Ходимларга имтиёз ва кафолатларни таъминлашга қаратилган жамоа шартномаларининг бажарилиши доимий назоратда, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Абдунаби Абдувалиев. — Ходимлар ҳуқуқи бузилганда ёрдам кўрсатиш, уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиб, қўллаб-қувватлаш кундалик вазифамиздир.

Жамоа шартномалари орқали биринчи марта турмуш қураётган ёшлар учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам, тўй муносабати билан қўшимча уч кунлик таътил берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида қисқартирилган иш кунлари, аёлларга ҳомиладорлик таътилига чиқишгача қўшимча ҳақ тўланадиган 30 кунлик меҳнат таътили бериш, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган туғруқ таътилидаги аёлларга ҳар ойда бир марта энг кам иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш каби имтиёзлар мавжуд.

Ишчиларнинг кўнгилли дам олиши ҳамда даволаниши иш берувчи билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили тизимдаги авиаходимлардан 95 нафари «Турон», «Чинобод», «Оқтош», «Ботаника», «Чорток» ва бошқа санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлади.

Авиаходимларнинг 989 нафар фарзанди «Радуга», «Конструктор», «Зилола» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди. Шулардан 114 нафар ўғил-қиз Оролбўйи минтақасидан келган болалардир. Бундан ташқари, тармоқ корхоналарида хизмат қилаётган оилаларнинг 1998 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари харид қилинди.

Тармоқ ташкилотлари ва муассасаларида ишлаб, нафақага чиққан ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш касаба уюшма қўмитасининг эътиборида. 1930 нафар пенсионерга Миллий авиакомпания маблағи ҳисобидан нафақага қўшимча 185 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари, байрамларда ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишларида мунтазам кўмак бериб келинмоқда.

Юбилей ёши муносабати билан Марказий кенгаш ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари маблағи ҳисобидан 26 нафар ходим рағбатлантирилди. 5 нафар пенсионерга дам олиш оромгоҳига йўлланма берилди. Кам таъминланган 1679 та оила вакилларига касаба уюшма маблағи ҳисобидан 41,32 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Бухоро» халқаро аэропортида 11 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказишга кўмаклашилди.

Авиаходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Миллий авиакомпания ва авиаходимлар касаба уюшмаси ўртасида қишки спорт ўйинлари, шунингдек, шахмат, мини футбол, волейбол, стол тенниси беллашувлари ва спартакиадалар ҳамда оилавий спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди. Умуман, тизимда 100 дан ортиқ спорт тадбирлари ўтказилиб, унда 2 мингдан ортиқ ходим қатнашди.

Тизимда ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, коллежни битирган 43 нафар ёш мутахассис 2012 йилда ишга қабул қилинди. Улар билан меҳнат шартномаси тузилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома ўтказилиб, иш жараёнида зарур бўлган махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминланган. Тошкент гидрометеорологик коллежи ва 5-Академик лицейнинг 6 нафар кам таъминланган иқтидорли ўқувчиларига касаба уюшманинг стипендиялари жорий этилди. «Ўзаэронавигация» маркази, АП «UAT», Ўзгидромет касаба уюшма қўмитаси томонидан 15 нафар коллеж ўқувчисига моддий ёрдам берилди.

Тизимда маърифий-маданий тадбирларни ўтказишга ҳам катта аҳамият қаратилган. «Бизнинг аҳил оила», «Оиламиз кодекси», «Оиладаги соғлом турмуш тарзи — иш фаолиятининг мазмунли асоси», «Мустаҳкам оилани шакллантиришда хотин-қизларнинг ўрни» мавзуларидаги суҳбат ва учрашувлар барчага манзур бўлди. «Маънавият соатлари» эса фаолиятимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Дарвоқе, 736 нафар касаба уюшма аъзоларининг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент, Наманган шаҳарларига уюштирилган саёҳати узоқ вақт хотирада қоладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ касаба уюшмаси ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида иш берувчилар билан ҳамжиҳатликда зиммасига олган мажбуриятларни бажариш йўлида тинмай изланмоқда. Зеро, касаба уюшма тизимида кечаётган янгича ёндашув омилкорлик ва ташаббускорлик билан ишлашни тақозо этаётир.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма ҳимоя қилади

***Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашига Поп туманида яшовчи фуқаро Р.Аҳмедов меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисида шикоят билан мурожаат қилди. Унда кўрсатилишича Рустамали Аҳмедов 2010 йил 5 майдан Поп туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида «Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш» бўйича етакчи мутахассис лавозимида ишлаб келган.***

# ИШГА ТИКЛАНДИ

Унинг бирданига икки йиллик меҳнат таътили берилишини сўраб ёзган аризасига 2012 йил 23 феврал куни раҳбар «Рухсат» деб имзо қўйган бўлса-да, меҳнат таътили бериш тўғрисида буйруқ 2 апрелда чиқарилади. Унда 2010 йил 5 майдан 2011 йил 2 апрелгача ишлаган даври учун 24 иш куни ҳисобида меҳнат таътили бериш, ҳақ тўлаш ва бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам бериш кўрсатилади. Иккинчи йил, яъни 2011 йил 2 апрелдан 2012 йил 2 апрелгача ишлаган даври учун меҳнат таътили берилиши хусусида эса ҳеч нарса дейилмайди.

Р.Аҳмедов меҳнат таътили учун тўлов фақат бир йил учун ҳисобланганини билгач, кадрлар бўлими мутахассиси М.Бўроновага эътироз билдиради. Бунга жавобан М.Бўронова буйруқ лойиҳасини тайёрлашда адашганлиги ва қайта буйруқ тайёрлаб, бошлиққа тақдим этганлигини маълум қилади. Аммо раҳбар навбатдаги буйруққа имзо чекмайди ва Р. Аҳмедовни 2012 йил 1 май кунидан ишга чиқмаган деб ҳисоблаб, Меҳнат кодексининг тегишли моддасига асосан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ тайёрлашни талаб қилади.

Шундан сўнг иш берувчининг ташаббуси билан 2012 йил 2 июлда буйруқ чиқарилиб, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-бандига асосан Р.Аҳмедов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади. Мазкур буйруқ чиқарилишида ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг талаблари бажарилмаганлигини кўришимиз мумкин. Меҳнат кодексининг 100-модда 4-бандида ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари учун шартномани иш берувчи томонидан бекор қилиниши назарда тутилган. Бунинг учун ходим содир этган ножўя хатти-ҳаракатлар ташкилотнинг ички меҳнат қоидаларида белгиланган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилишлари рўйхатига киритилган бўлиши лозим. Поп туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида эса умуман ички меҳнат тартиби қоидалари тузилмаган.

Аниқланган камчиликлар юзасидан 2012 йил 9 август куни Поп туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбариятига меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома юборилди. Лекин бу ҳужжатга жавоб берилмай, талаблар бажарилмади. Шундан сўнг фуқаролик судига мурожаат этилди.

Суд Поп туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг даъвогар Аҳмедов Рустамалини ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғини бекор қилиш ҳамда молиялаштириш ва ўз лавозимига тиклашни лозим топди. Шунингдек, Р.Аҳмедов фойдасига жавобгар Поп туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан 2012 йил 2 июл кунидан 2012 йил 11 октябр кунигача бўлган мажбурий прогули учун 2 123 855 сўм иш ҳақи, 200 000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

**Мавлонбек ЗАРИПОВ,**
**Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳуқуқшуноси**



# САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Иш берувчилар билан ҳамкорликда тиббиёт муассасаларидаги 2799 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига 79 млн. 188 минг сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди. 748 нафар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналар 67 млн. 129 минг сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандларидан 100 нафарига талабалик стипендиялари жорий этилди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган 1782 та жамоа шартномаси орқали 583266 нафар ходим ҳамда 170704 нафар талаба ва ўқувчининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб келинмоқда.

Давр тинмай ўқиб-ўрганишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, Марказий Кенгаш масъул ходимлари томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Жиззах, Навоий, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида тармоқ касаба уюшма кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, ходимларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича ўқув-семинарлар ўтказилди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари томонидан 300 дан ортиқ тиббиёт муассасаларида ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари ўрганилиб, бир қатор қоида ва меъёрларнинг бузилиш ҳолатлари аниқлангани ҳамда касаба уюшмалари талаби билан уларнинг аксарияти бартараф этилишига эришилгани таъкидланди. Меҳнат қонунчилигининг бузилиши бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан тиббиёт муассасалари раҳбарларига 4 та тақдимнома киритилиб, барчаси ижобий ҳал этилди. Муҳими, ноқонуний ишдан бўшатилган 4 нафар ходим ўз ишига тикланди.

Иштирокчилар, жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар, жумладан, касаба уюшмалари томонидан белгилаб олинган устувор йўналишлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этишди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

Бошланғичда нима гап?

# ЕТАКЧИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

***Урганч туманидаги 20-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси сафида 71 нафар аъзо бўлиб, унга инглиз тили фани ўқитувчиси Ҳовожон Жуманиёзова раислик қилади.***

— Қўмита томонидан белгиланган режа асосида турли тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш анъана тусини олган. Ғолиб ўқитувчиларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилади, — дейди касабақўм. — Мактабимизнинг таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши томонидан янги спорт анжомлари билан таъминланиши тадбирларимизни янада жонлантириб юборди.

Дарҳақиқат, ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва соғломлаштириш мақсадида стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол мусобақалари тез-тез уюштириб турилади. Тармоқ бўйича ўтказилган аёллар спартакиадасида жамоамиз узунликка сакраш ва стритбол бўйича фахрли ўринларни қўлга киритиб, туман кенгаши томонидан тақдирланди.

— Мактабимизда маънавият соатлари белгиланган тартибда ўтказиб бориляпти. Аслида ҳам зиё масканида фаолият кўрсатувчи ходимлар ўз маънавий дунёқарашини мунтазам бойитиб бориши шарт, — дейди Ҳ. Жуманиёзова.

Тиришқоқ ва изланувчан Ҳовожон Жуманиёзова ўтган йили тармоқ ходимлари касаба уюшмаси томонидан ўтказилган «Энг намунали етакчи аёл» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу бошланғич ташкилот фаолияти намунали йўлга қўйилганлигининг яққол ифодаси, албатта.

— Касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган такомиллашув жараёни бошланғич ташкилотлар зиммасига улкан масъулият юклайди, — дейди етакчи. — Энг муҳими, бу ўзгаришлар аъзоларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш имконини беради.

Касабақўм раиси, шунингдек, жамоа аъзолари баҳорга қизғин тайёргарлик кўраётгани ҳақида ҳам тўхталди. Касаба уюшмалари оталиғида аъзолар ўз томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириб, мактаб атрофини янада обод қилишга бел боғлашган.

— Обод турмуш йилида ҳам режаларимиз катта, эътиборга яраша жавоб қайтаришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди бошланғич қўмита раиси.

**Муборак РАҲИМОВА**

# ҒАМХЎРЛИК БОР ЭКАН...

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Бандлик ва янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Чунончи, сифатли озиқ-овқат захирасини яратиш мақсадида сиғими 150 тонналик музлаткич ишга туширилди. Натижада, 5 та янги иш ўрни яратилди. Пиллахона қурилиши ва 6 гектар майдонда хорижий технология асосида интенсив тутзорлар ташкил этиш ниҳоясига етгач, яна 27 киши ишли бўлади.

Жамоада меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги талаблари тўлиқ таъминланган. Ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш борасида 673 млн. 855 минг сўмлик ишлар бажарилган. Жамоа шартномасида кўрсатилганидек, ишчи-ходимлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб,мутахассислар махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмоқда.

Дарвоқе, бошланғич ташкилотлар ҳисобида қолдириладиган 53 фоиз бадалларнинг 3 фоизи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилди. 4 нафар ходим «Ситораи Мохи Хосса», «Оқтош», «Чинобод» каби санаторийларда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлади. Ходимларнинг 47 нафар фарзанди «Арчазор», «Чимган», «Пискент Шифо-Мадад», «Ёш пахтакор» оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

Айтиш жоизки, «Олтин тола»да меҳнат аҳлига ғамхўрликнинг оширилиши туфайли корхонада белгиланган режа-топшириқлар мунтазам бажарилмоқда. Жумладан, ўтган йили жамоада 33 млрд. 785,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Ўсиш 109 фоизни ташкил этди. Тайёр маҳсулотни сотиш 138 фоиздан ошди.

Конференция ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва Обод турмуш йилида касаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар, уларнинг ижросини таъминлаш хусусида бафуржа тўхталиб ўтди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

2013 йил – Обод турмуш йили





***Халқимиз фаровонлигининг муттасил юксалиб, янги автомобиллар сотиб олиш имкониятлари тобора кенгайиб бораётгани бу соҳада хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини янада оширишни тақозо этмоқда. Нукус шаҳридаги «Автотеххизмат» акциядорлик жамияти бу борада самарали фаолият кўрсатиб келаётган корхоналардан.***

# «АВТОТЕХХИЗМАТ» РИВОЖЛАНМОҚДА

Аҳолига замонавий автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш, шунингдек, техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхонада юздан ортиқ ишчи-муҳандис меҳнат қилмоқда. Уларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этади. Бу ерда ишчилар учун барча шароит яратилган.

Ўтган йили корхона жамоаси 10 мингдан зиёд автомобилга техник хизмат кўрсатди.

***Суратларда: корхона ишчилари (ўнгдан) Азамат Исоқов ва Азамат Турдимуратов; ишчи Одилбек Кушкинбоев.***

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

Ishonch
2013-yil 19-fevral № 21 (3214)





# АЖДОДЛАР ЁДИ

*Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб кўплаб маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.*

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 41-умумтаълим мактабида ушбу саналар муносабати билан ташкил этилган «Аждодлар руҳи мададкор» номли кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дастлаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Зуҳра Обидова мумтоз адабиётимизнинг улкан намояндаларининг ижодий мероси ҳақида фикр юритиб, бу бебаҳо намуналар ёшларда ватанпарварлик, фидойилик, ҳалоллик, поклик каби фазилатларни шакллантиришдек эзгу мақсадга хизмат қилаётганини таъкидлади. Шундан сўнг ўқувчилар шоирлар шеърларидан намуналар ўқиб, уларнинг ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этишди.

**С.АБДУРАҲМОНОВ.**
**Суратларда: тадбирдан лавҳалар**

Турмуш чорраҳаларида

Неча кунки, Мақсуд отанинг чиройи очилмайди. Нима қилсин, эллик йиллик девор-дармиён қўшниси. Қарзини сўрай деса, истиҳола қилади. Қўл силтаб қўйса, шунча йил йиғиб-тергани қариган чоғида осмонга учиб кетадими? Таваккал қилиб Шоазим отанинг эшигини тақиллатди. Анчадан сўнг йўлакдан йўтал овози эшитилиб, уй эгасининг кампири чиқди ва қўшнисини кўрибоқ кўзларига мунг чўкди. Хижолатдан қутилиш учун Мақсуд ота ҳазил қилган бўлди:



# ИЗТИРОБ
## ёки темир одамдан азизми?

— Ўртоғим уйдамилар, ҳадеб ётаверсалар ўхшамайди. Бир суҳбатларини олай деб чиққандим, — деди ҳеч нима билмагандек.

— Ётувдилар, икки кундан бери мазалари йўқ. Чамаси қон босимлари ошиб кетган-ов, — деди кампир мунғайганча.

— «Жўрттага ўзини касалликка солиб ётганмикан», ўйлади Мақсуд ака. Бир кўнгли ичкарига кириб кўнглидагини шартта-шартта айтайми ҳам деди. Лекин...

Ёшлик пайтларида Шоазим билан Мақсуд ораларидан қил ўтмас ўртоқ эдилар. Хотинлари ҳам бир-бирлари билан эгачи-сингилдек бўлиб кетишганди... Энди эса...

«Падарига лаънат шу машинасини ҳам. Нима, одамдан афзал бўлибдими шу темир!». Мақсуд ота шундай фикрга келди-ю, шаштидан қайтди:

— Майли, ўртоғим дамини олсин, — деди ва ҳазил оҳангида қўшиб қўйди. — Ҳадеб ётавермай, бундоқ чойхонага ҳам чиқиб турсин.

Кампир аста бош силкиди.

Дарвозадан уйга кириши билан Мақсуд отани хотини Сожида ая саволга тутди:

— Нима дейишди, дадаси?

Мақсуд отанинг фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Дард бўлди, бало бўлди, хотин! Шоазим касал бўлиб ётганмиш, кампирининг аҳволини кўриб раҳмларим келиб кетди, — деди қизишиб.

— Кечқурун Сухробингиз ишдан келса, нима дейсиз? Ахир шундоққина дарвозада турган машинани икки қўллаб бериб ўтирибмиз-а, бўшанглик ҳам эви билан-да, — деди Сожида хола йиғламсираб.

Мақсуд ота қўл силтаб, уйга кириб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Сухроб ишдан келиши биланоқ онасига савол назари билан тикилди. Онаси имлаб отасини кўрсатди.

— Дада, илгари машинам борида билинмаётганди. Ҳозир эса шаҳардан Қибрайга қатнаяпман. Автобусда бир ярим соатлик йўл. Бир-икки ишга кечикиб, дакки ҳам эшитдим, — деди астагина.

Чол ўғлини тушунди. Эртасига кечки пайт маҳалла оқсоқолига учрашди. У қалбининг бир чеккасида қилаётган иши нотўғрилигини билиб турса-да, лекин на илож...

Маҳалла оқсоқоли уни ҳурмат билан кутиб олди. Кимсан бир пайтлар нафақат маҳаллада, балки бутун пойтахтда донғи чиққан қурувчи эди-да.

Мақсуд ота бошида бироз чайналди. Кейин росманасига кўчди:

— Қўшним Шоазимдан озгина оларим бор эди. Шуни ҳеч бетим чидаб сўролмаяпман. Нима қилсам экан, бир томондан қўшничилик, иккинчи томондан Сухроб уканг машинасиз жуда қийналиб кетди. Шу масалани ечишга ёрдам берсанг, — деди Мақсуд ота хазин овозда.

— Машинангизни Шоазим отага берганингиздан хабарим бор, — деди оқсоқол бироз ўйланиб. — Сиз хижолат тортманг, албатта маҳалла фаоллари ўртага тушиб, ишингизни битириб берамиз. Ахир олмоқнинг бермоғи, емоқнинг қусмоғи бор-ку...

Унинг бу гапидан Мақсуд ота бир сапчиб тушди.

— Илтимос, ука, масалани жудаям ошириб юборманглар, уят бўлади. Идорага ҳам минг хижолат билан чиқдим.

— Ҳаммасига тушундим отахон, сиз айтганингиздек бўлади, — деди отага оқсоқол таскин бериб.

Мақсуд ота юраги ғашланиб кўчага чиқди.

Аслида, воқеа бундай бўлганди. Мақсуд ота узоқ йиллар ишлаб, йиғиб-териб яхши бир машина олди. Қариган чоғида кампири ҳам бир яйрасин. Бошида ўзи миниб, бозор-ўчарга қатнади. Кейинчалик қараса, оиланинг ҳайдовчисига айланиб қоладиган. Машинани Сухробга берди. Кейин унинг ўзига ҳам ишхонадан машина тегди. Иккита машинанинг йўлакдан кириб-чиқиши ноқулай бўлгани учун Мақсуд ота ўзиникини Шоазим отаникига қўя бошлади. Бир куни гапдан гап чиқиб Шоазим ота ўғли тадбиркорлик билан шуғулланаётгани-ю, бу ишда унинг машинасидан фойдаланиб туришини сўраб, илтимос қилди. Мақсуд ота уйдагилар билан келишиб, рози бўлди.

Шоазим отанинг ўғли Акмалнинг иши бошламасидан роса ўнгидан келди. Кейинчалик нимадир бўлди-ю, синди. Аллакимлардан катта миқдорда қарздор бўлиб қолди. Иш шу даражага бориб етдики, Мақсуд отанинг машинасини ҳам тез орада пулини қайтариб бериш шарти билан сотиб юборди. Инсоннинг иши бир орқага кетмасин экан. Ҳанузгача отага қарзини тўлай олмайди. Бунинг устига Сухроб ҳам бошқа ишга ўтди. Лекин машинаси йўқ экан.

Мақсуд ота оғир хаёллар билан уйга келди.

Орадан бир неча кун ўтиб, кечки вақт дарвоза тақиллади. Эшикдан Акмал ва маҳалла фаоллари кириб келишди. Уларни кўриб Мақсуд отанинг юраги «шув» этиб кетди. Акмал ота билан ҳеч нарса билмагандек, қучоқлашиб кўришди. Бир пиёла чойдан сўнг, елим қопчиқдаги пулни ўртага қўйди.

— Ота, мана омонатингиз, — деди ерга қараб.

Бироз суҳбатдан сўнг фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўрнидан турди.

Эртасига Мақсуд ота суриштирса, Акмал бутун қариндош уруғ-у, таниш-билишлардан қарз кўтарган экан.

Кўп ўтмай Мақсуд отанинг йўлагида ярақлаган янги машина пайдо бўлди. Шоазим отанинг уйидан эса йиғи овози эшитилди.

Дўстининг жанозасидан келиб, Мақсуд ота ҳам икки кун касал бўлиб ётиб қолди. Соғайгач, аста юриб ҳовлига чиқди. Йўлакда турган машинага қарагиси ҳам келмасди.

Шу воқеадан ярим йилдан сўнг Мақсуд ака билан учрашиб қолдим. Нигоҳида илгаригидек ўктамлик, дадиллик йўқ.

— Дўстимнинг ўлими юрагимда армон бўлиб қолди, укам, — деди у маҳзун уф тортиб. — Мабодо маҳаллага чиқиб фаолларни ишга солмаганимда, у тирик қолармиди... Энди у ёқда учрашсак, юзига қандай қарайман? Шуларни ўйлаб, сиқилиб кетаман. Машина турибди, лекин бир инсон бу дунёдан ўтиб кетди-ку.

Мен унга тасалли бермоқчи бўлдим. Лекин бир нима дейишга ожиз эдим.

**Неъмат РАФИҚОВ**



# Спорт оламида

Футбол



***Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинини ўтказаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-17) БАА ўсмирлари билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.***

## ЎСМИРЛАР «ЎСМОҚДА»

Ўйин тақдирини ягона гол ҳал қилди. Достонбек Ҳамдамов 30-дақиқада рақиблар дарвозасига тўп киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати шу йилнинг 17 октябридан 8 ноябрига қадар айнан БААда бўлиб ўтади. Вакилларимиз бу мусобақада Осиё чемпиони сифатида иштирок этади.

Дилшод Нуралиев шогирдлари йиғин доирасидаги илк ўйинда «Дубай Спорт» клуби ёшларини йирик 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.



Бокс

***Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Астана шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.***

## ИККИНЧИ ПОҒОНА

Марс Қўчқоров бош мураббийлик қилаётган вакилларимиз Украина ва Озарбайжон терма жамоаларини бир хил 8:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Мезбонларга шу ҳисобда имкониятни бой берган боксчиларимиз шоҳсупанинг иккинчи поғонасини эгаллашди.



***Ҳаваскор бокс бўйича Жаҳон чемпионатларининг кумуш ва бронза медаллари соҳиби Шерзод Ҳусанов профессионал бокс (ўрта вазн)да ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқда.***

## НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Троицк шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ўттиз уч ёшли Шерзод эстониялик Павел Семеновни енгиб, ўзининг ўн еттинчи ғалабасини нишонлади.

Мағлубият нималигини билмай келаётган боксчимиз навбатдаги жангини 9 март куни Гамбург (Германия) шаҳрида Фатона Муратига (Албания) қарши ўтказади.



Футзал

***Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Бокуда якунига етган халқаро мусобақада 3-ўринни эгаллади.***

## ЙЎҚДАН КЎРА...

Финал учрашувида Озарбайжон ва Беларус терма жамоалари ўзаро майдонга тушишган бўлса, вакилларимиз 3-ўрин учун ўйинда Латвияга қарши кураш олиб борди. Футзалчиларимиз мусобақадаги ўзининг сўнгги ўйинида 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Озарбайжон миллий терма жамоаси эса мусобақа ғолибига айланди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Тарихингдир минг асрлар...

***Навбаҳор туманидаги бу қишлоқ бағрида ўтмишнинг кўплаб сир-синоатлари яширинган. Учтут 37-ихтисослашган мактаб интернатида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, туман тарих фани ўқитувчилари методик кенгаши раиси Ҳамид Ҳотамов қуйидагиларни гапириб берди:***

# УЧТУТ



— Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган бу қишлоқда дастлаб кўчманчи чорвадорлар истиқомат қилган. 1973-1976 йилларда археологлар томонидан ўтказилган қазилма ишлари кўп саволларга ойдинлик киритди. Топилган меҳнат қуроллари, ишлов берилган ҳайвон шохлари қадимги тош даврида ҳам бу ерларда ибтидоий одамлар яшаганлигидан далолат беради.

Қишлоқда учта катта тут дарахти мавжуд бўлиб, мутахассислар уларнинг ёшини минг, бир ярим минг йил атрофида деб тахмин қилишмоқда. Халқ орасида Учтут тарихи билан боғлиқ кўплаб ривояту афсоналар юради.

Ривоят қилишларича, қишлоқни ёғий босибди. Бир аёлнинг икки гўдаги бор экан. Аёл уларни ҳимоя қилиш учун ўзини душман қиличига қалқон қилибди. Барибир, болалари қиличдан ўтказилибди. Ярадор она жон-жаҳди билан ўзини болалари жасадига қараб отибди. Унинг оҳу ноласи тоғларни ҳам ларзага келтирибди. Қон тўкилган жойдан учта тут ўсиб чиқибди...

Яна бир ривоятда қадимда уч ака-ука узоқ сафарга йўл олишгани айтилади. Улар Қоратов ёнидан бораётиб, ҳордиқ чиқариш учун шу атрофда тўхташибди. Ҳаво иссиқ экан. Шу боис қайтишларида йўловчилар соясида дам олиб, мевасидан есин, деган мақсадда учта тут кўчати келтириб ўтказишибди. Тутлар уч хил ўлчамда: бирининг айлана узунлиги 7 метру 10 сантиметр, ўртанчаси 8 метр, энг каттаси эса 8 метру 80 сантиметрни ташкил этади.

Тарихнинг кўплаб воқеа-ҳодисаларига гувоҳ бу тутларнинг шўр сув билан озиқланиши уларнинг яшовчанлигини таъминлаётгани, шубҳасиз.

**М.АЛОВУДДИНОВ**
**ёзиб олди**

Музей — ўтмиш кўзгуси

# МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ

***Гулистон шаҳридаги Мирзачўл тарихини ўрганиш ва ўлкашунослик музейида қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўркам бинога эга бўлган ушбу маскан турли экспонатлар, янги топилмалар билан бойитилди. Беш мингдан зиёд тарихий ва ёрдамчи фондаги беш мингта экспонатнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, улар орасида 10 дан зиёд энг қадимий ноёб ашё бор.***



Жумладан, Ховос туманидаги қадимий тепаликдан топилган III асрга оид хум, кўза, VI асрга тааллуқли сопол лаган, соҳибқирон Амир Темур давридаги тангалар шулар жумласидандир. Шунингдек, музейдан Мирзачўл тарихига оид турли жиҳозлар, суратлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ўрин олган.

Муассасада воҳа табиати ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот берувчи бўлим бор. Бу ерда 200 дан зиёд ботаника, зоология, геологияга оид намуналар сақланади. Кўргазмага қўйилган ашёлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Томошабинлар ўзини жонли табиат қучоғида юргандек ҳис этади. Турли-туман ўсимлик, ҳашаротлар коллекцияси, судралиб юрувчи ва кемирувчи жонзотларнинг 100 дан зиёд тури, шунингдек, чўлда яшовчи ҳайвонларнинг 20 дан зиёд қотирилган тулуми олис тарихдан сўз очади. Экологияга оид экспозициялар олдидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кета олмайди. Йўқолиб бораётган ҳайвонлар турлари она-табиатни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга чорлайди.

Музей вилоятдаги барча мактаб, лицей, коллежлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Турли маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Бу ёшларимизни она-Ватанга садоқат, бой тарихимиз ва анъаналаримизга чуқур ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилаяпти.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev
Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.
Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi:
133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 10
E-mail:ishonch2012@gmail.com
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
Buyurtma Г — 211
21501 nusxada bosildi
2 3 4 5